

МУЗАФФАР НАИМОВ

МЕТАР НАВОЛАРИ

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2008

Ушбу Ўқув қўлланмада Ўзбек халқ чолёуларидан саналмиш метар чолёуси хақидаги маълумотлар илк бора Ўқувчилар ҳукмига хавола этилмоқда.

Рисолада шунингдек, метар чолёусининг бошқа Ўхшаш чолёулардан фарқли томонлари, метар ижрочилари, фотосуратлар ҳамда нотага туширилган метар куйларининг баъзилари имкон қадар келтирилган.

Қўлланмада келтирилган маълумотлар мусиқа таълими йўналишининг халқ чолёу бўлимлари ҳамда созандачилик санъати билан шуғулланувчилар учун фойдадан холи эмас.

Масъул муҳаррир:

Рустамбек АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон санъат арбоби, санъатшунослик
фанлари доктори, профессор

Тақризчи:

Нормурод БАКАРОВ,
Термиз санъат коллежи «Анъанавий
ижрочилик» кафедраси мудири

Услубий қўлланма Термиз Давлат университети Педагогика ва мусиқа факультети мусиқа таълими кафедрасининг 1-сонли, Термиз Санъат коллежи илмий кенгаши ҳамда «Анъанавий ижрочилик» кафедрасининг 1-сонли йиғилиши қарорига биноан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-08-249-6

© Наимов Музаффар, «Метар наволари». «Янги аср авлоди», 2008 йил

К И Р И Ш

Мустакил Ўзбекистонимизнинг ҳар бир вилояти Ўзига хос такрорланмас анъаналари, урф-одатлари, турли маросимлари, шу маросимлар билан боғлиқ қўшиқлари, мусикалари, Ўйинлари ва мусиқа чолғуларига эга. Хоразмда бўламон, гармон, доира, тор, қўшна, қайроқ, Фарўона ва Тошкентда рубоб, доира, чанг, ўйжак, танбур, сато, дутор, ноўора, карнай, сурнай, Бухоро ва Самарқандда дўмбира, доира, қайроқ, занг, рубоб, дутор, танбур, Сурхондарё ва Қашқадарёда эса чанковуз, дўмбира, ўажир най, сибизик, шувиллоқ, сурнай, доира ҳамда метар мусиқа чолғуларида ижро этиш анъаналари ҳозирга қадар давом этмоқда.

Сурхондарё воҳасида номлари келтирилган мусиқа чолғулари орасида метар чолғуси ҳақида маълумотлар деярли йўқлигини ҳисобга олиб, чолғунинг уста ижрочилари фикр мулоҳазаларига, исботларига таянган ҳолда баҳоли қудрат шу ҳусусда маълумот беришга жазм этдик.

Ёшлигимдан метар наволарини жуда кўп эшитганман. Айниқса, «Синахарож», «Қадимий Ирок» куйлари тўй кунини тонг сахардан ижро этилганда унинг сеҳрли нолалари инсонни қанчалик сеҳрлаб, маҳлиё қилиб қўйишини сўз билан ифода қилиб бўлмайди. Бу ҳолатни ҳис қилиш учун, албатта, Сурхон воҳасининг Денов, Бойсун, Узун, Олтинсой, Сариосиё туманларида ўтказиладиган тўй маросимларининг бевосита иштирокчиси бўлишингиз керак. Чунки бу тўйлар метарнинг жозибали куйларисиз ўтмаган ва ўтмайди. Халқимизда «минг бор эшитгандан бир бор кўрмоқ афзал» деган гап ҳам албатта бежизга айтилмаган.

Яқин йилларгача метар ва сурнай битта чолғу асбоби бўлса керак деб ўйлаб юрар эдим. Жуда кўп изландим, ёши улуғ санъаткорлар билан учрашиб уларнинг фикрлари билан ўртоқлашдим.

Ваҳоланки, синчковлик билан ўрганиб чиқилганда метар билан сурнай кўриниш жиҳатидан ўхшаш бўлсада, бир-биридан жуда катта фарқли жиҳатлари борлигига амин бўлдик. Ушбу рисолаи ўқиб чиққан санъат ихлосмандлари метар билан сурнайнинг фарқи, метар куйлари, унинг мохир ижрочилари, репертуарлари ва бошқа маълумотлардан бохабар бўлишади. Метар ҳақида илк бора маълумот келтирилаётган ушбу рисола ҳақидаги фикр мулоҳазаларингизни мамнуният ила кутиб қоламиз. Китоб орқали оз бўлсада метар чолғуси ҳақида тасаввурингизга ойдинлик киритолсак ўзимизни бахтиёр ҳисоблар эдик.

М Е Т А Р

Сурхондарё қадимдан сўзга бой бахшилари ва уларга доим ҳамоҳанг бўлувчи дўмбира, чорвадор чўпонларимизнинг азалий ҳамроҳи, суянчиёи ҳисобланган ўажир най, сибизик, момоларимиз, боболаримизнинг дил нолаларини тўлқинлантирувчи чанковуз, тўй, сайилларимизнинг хабарчиси сурнай, метар, мафтункор усуллари билан кўнгишларга илиқлик бахш этувчи доира, ҳаёлларга бурковчи шувиллоқ каби мусиқа чолғулари ва халқ қўшиқлари билан танилган воҳадир. Сурхондарё мусиқа чолғуларининг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Археолог олимларимиз томонидан олиб борилган қазилма ишлар чоғида топилган манбалар бу воҳада қадимдан мусиқа чолғулари бўлганлигига тўла асос бўла олади. Воҳа мусиқа чолғулари тарихига оид кўп маълумотлар борлигини инобатга олиб, фақат метар чолғуси ҳақида фикр юритишни лозим топдик.

Маълумки, мусиқа чолғулари тўрт гуруҳга бўлинади: аэрофонлар (пуфлама), хордофонлар (торли), мембрафонлар (урма зарбли) ва идиофонлар (ўзи садо берувчи урма зарбли). Мана шу тизим ҳар бир чолғу турининг орғонологик ўхшатилиши имконини берган ҳолда, унга асосий ҳусусиятга эга. Улар – асбобнинг тебратирилиши ҳусусиятлари, шакл тузилиши ҳусусиятлари ва товушни чиқариш, идрок этиш усули¹.

Аэрофонлар(пуфлама дамли) гуруҳига кировчи ўажир най, сибизик, шувиллоқ, сурнай ҳамда метар мусиқа чолғулари Сурхондарёда кенг тарқалган.

Авваламбор, «мехтар» ва «метар» сўзларининг маъносига аниқлик киритиб оласан.

«Мехтар» (уста) – ўз касбини пухта эгаллаган мусиқачи созанда². У форсий сўз бўлиб, улуғ жаноб маъноларини англатади.

Ўтмишда хон саройида хизмат қилувчи сурнайчи, карнайчи, ноўорачи ва доирачилардан иборат созандалар гуруҳининг етакчиси ва бошлиғи саналган. Мехтарлар энг мохир, тажрибали, маҳсус сурнай йўллари ва ноўора усуллари пухта эгаллаган устоз сурнайчи ёки ноўорачилардан тайинланган. Халқ орасида тарқалган кўйирчоқ ўйинлари томошаларига жўр бўлувчи, шунингдек, тўй базмларда, миллий байрамларда, сайлларда иштирок этувчи сурнай-карнай-ноўора дастасининг бошлиғи ҳам мехтар деб юритилган³.

«Метар» эса Сурхондарёнинг Денов, Бойсун, Олтинсой, Сариосиё, Узун туманларида кенг тарқалган қадимий пуфлама ёғоч мусиқа чолғусининг номи (1-расм).

Метар чолғусининг мохир, уста ижрочилари исмлари ёнига ҳурмат маъносида мехтар сўзи қўшиб чақирилади. Бойсунда Дони мехтар, Ҳамро мехтар, Ражаб мехтар, Деновда Жаббор мехтар, Нозим мехтар, Умр мехтар, Баҳриддин мехтар, Фаҳриддин мехтар, Абдулла мехтар, Файзулло мехтар, Олтинсойда Имомали мехтар, Тўхта мехтар, Парда мехтар ва бошқаларни мисол келтиришимиз мумкин. Метар шаклан

сурнайга Ўхшасада, лекин жуда кўп кирралари билан яъни, катта кичиклиги, овоз тембри, товушлар жойлашуви, диапозони, ясалиши, пуфлайдиган қамиши, нили ва асосий корпусдаги тешикчаларнинг сони билан кескин фарқ қилади. Метар тут, ёнўок, тўўдона, Ўрик, олма каби дарахтларнинг танасидан ясалади. Айниқса, мевали Ўрик дарахтининг сояда қуритилган танасидан кўпроқ ясалади. Ўрик дарахтининг маўзи, яъни данагининг ширинлиги ҳам инобатга олинган. Данаги аччиқ дарахтлар деярли ишлатилмаган. Айтишларича, данаги аччиқ Ўрик дарахтининг танасидан ясалган метарнинг товуши пастроқ чиқар эмиш.

Юқорида номлари санаб Ўтилган дарахтлардан ясалган метар чолўуси зиўир ёўига олти ойдан бир йилгача ботириб қўйилган. Бундай қилинишига сабаб, ёзда иссиқ, қишда совуқ бўлганида ясалган ёўоч асбоб Ўз хусусиятини йўқотмайди. Қолаверса, метарнинг баъзи жойлари ёрилиши ва товуш Ўзгаришига сабаб бўлмаслиги учун ҳам шундай қилинади. Метарнинг бош қисми каъба дейилади ва сурнайнинг бош қисмидан кенгрок ва юпкалигидан фарқланиб туради (2-расм).

Метарда чап ва Ўнг қўл бармоқлар билан ёпиладиган саккизта юқори томондан, битта пастки томондан тешикчалари бор. Пастки тешик чап қўлнинг бош бармоғи билан беркитилади. Сурнайда эса тешикчалар сони камрок: еттита тешик юқорига ва битта пастки томонда тешиклар мавжуд (3-расм).

Метарнинг асосий корпусига ёўочдан ясалган «болор» Ўрнатилиб киргизилади. Болорнинг бошқача номлари ҳам мавжуд: бачки, мудштук, баъзан уни метарнинг болачаси ҳам дейишади. «Болор» сурнайда ҳам бўлади. Лекин метардаги «болор» сурнайнинг «болор»идан калталиги ва тешиги битталиги билан фарқ қилади (4-расм).

«Болор»нинг вазифаси «нил»нинг мустахкам жойлашувини таъминлаб асбобдан чиқадиغان товушнинг чиқишига ёрдам беради.

Метарнинг асосий корпусига болор жойлаштирилгандан сўнг «нил» Ўрнатилади. «Нил» кумуш, мис, подшойи тангалардан ясалади. Метарнинг нили сурнайнинг нилидан иккита куббаси билан фарқ қилади. Сурнайда «кубба» битта бўлади (5-расм).

Метар «нил»идаги «кубба»нинг биттаси метар корпусига нилнинг жойлашувини мустахкамлайди, иккинчиси эса «дампеш»ни пастга тушиб кетишидан сақлайди. «Дампеш» хайвонларнинг шохидан, ёўочдан ва оддий темир тунукалардан ҳам ясалади (6-расм).

«Дампеш» ижрочи учун нафасни узоқ ушлаб чалишда ва лабларнинг таянч ҳолатига ёрдам беради.

«Дампеш» форсча сўздан олинган бўлиб, «нафас қайтаргич» деган маънони англатади.

«Нил» «кубба»сининг устки қисмида «дампеш» қўйилгандан кейин, унинг учки қисмига «най пачок» кийгизилади. «Най пачок»ни баъзи чолўучиларимиз «хас», «қамиш» деб ҳам айтишади. «Най пачок» оддий қамишнинг ён томонидан Ўсиб чиқадиغان урўочи ёки етим қамишдан II шаклида қирқилиб пастки қисми ўалтак ипи билан чиройли боўланиб ясалади. Сурнайда Ўрнатиладиган «най пачок» метардагига қараганда каттарок ясалади. Метарда қўйиладиган «най пачок» кичик ва нозикрок боўланиб ясалади (7-расм).

Метар чалиниб бўлганидан кейин «най пачок» олиниб «исканжа»га қистирилади. «Исканжа» ўарров қамишдан ясалиб, «най пачок»нинг эркин қуриши ва уни ташқи таъсирдан шикастланишидан сақлайди (8-расм).

«Исканжа»ни баъзи ижрочилар «утуг», «қин», «ўилоф», «қисқич» деб ҳам аташади. Метарни чалишга ҳозирлаш учун «най пачок» намланиб, унинг ички хаво ўтадиган тешиги «Сумма» ёрдамида кенгайтирилади (9-расм).

«Сумма»ни баъзи чолўучилар «сих», «сим чўп», «тиқин» деб ҳам айтишади. «Сумма» мис, кумушдан ясалади. Унинг афзаллиги яна шундан иборатки, метар чалиниб бўлгандан кейин нили олинади. «Сумма» эса «нил»нинг ички қисмига киргизилади. «Нил»нинг жуда нозиклиги эътиборга олиниб, «сумма» уни ташқи таъсирдан шикастланишдан сақлайди (10-расм).

«Нил»га Ўрнатиладиган «дампеш», «най пачок», доим «дампеш»га осилиб турадиган «исканжа», «сумма» – буларнинг жамламаси «найвор» дейилади (11-расм).

Сурнайнинг узунлиги 470 мм гача бўлса, метарнинг узунлиги метар турига боўлиқ ҳолда уста томонидан ясалади. Метарнинг уч хил тури мавжуд: «зил» метар, «боми зил» метар ва «боми» метар.

1.«Зил» метарда ижро этиш енгилрок бўлганлиги сабабли, кўпроқ янги шогирдларга бошлаш, Ўрганиш учун мўлжалланган бўлади.

2.«Бом зил» метар «зил» метарга қараганда мураккаброқ ижроси билан, овозининг баландлиги билан ҳам фарқ қилади.

3.«Бом зил» метар эса устоз шогирд анъанасига биноан шогирд ижрода дам қайтариш тажрибаларини пухта эгаллаб устоз дуосини олган бўлса, шу метарда ижро этиши мумкин бўлган.

Метар ижроси оғиз бўшлиғида хавони «най пачок» орқали пуфлаш йўли билан ҳосил бўлади. Метарнинг товуш тембри сурнайникидан йўўон, баланд, кучли, жарангдор ва ёқимлилиги билан фарқ қилади. Сурнайнинг товуш диапозони кичик октава «фа» нотасидан иккинчи октава «фа» нотасигача, «метар»да эса «ре» кичик октавадан «ре» иккинчи октавагачадир (нота мисолида).

Метар товуш қатори диатоник бўлиб, фақатгина мохир, тажрибали уста ижрочиларгина бармоқларнинг мохирона ҳаракатлари туфайли, бармоқлар билан тешикларни тўла ёки ярим беркитиш ва турлича пуфлаш йўли ёрдамида хроматик товушқатор ҳосил қила олишган.

Амалий ишлатиладиган товушлари қуйидагилар:

Метарнинг асосий корпуси ёйоч усталар, чолуу усталар томонидан ясалса, қолган қисмлари «нил», «сумма»лар нозик бўлганлиги сабабли уста заргарлар, уста темирчилар томонидан ясалади. Метар баъзида алоҳида шунингдек, ёнида доирабадастлар, ноёрачилар билан ҳам биргаликда чалинади. Алоҳида чалиш тўйларда, сайлларда, тўй ва сайлнинг белгисини билдириш учун эрта тонгдан баланд жойдан туриб доирасиз «Синахарож», «Чорлов», «Шодиёна», «Қадимги Ироқ» каби махсус метар наволари ижро этилади. Метар ижросиси доимо ёнида Ўзининг доирабадастлари билан хизматда юрган. Чунки метарда шундай куйлар борки, унинг ижро усули мураккаблиги сабабли ҳар қандай доирабадаст ҳам чала олмаган. Метар ижросида нафас олиб пуфлаш икки хил бўлади:

1. Лунжни шишириб ютма нафас олиб узмасдан пуфлаш (12-расм).
2. Лунжни шиширмай нафас олиб узиб пуфлаш (13-расм).

Метарда ютма нафас машини бажара олмаган чолуучи ҳақиқий уста меҳтар даражасига эриша олмаган. Чунки баъзи куйлар борки, узиб нафас олганда куйнинг равон ижросида узилиш сезилиб, куйни эшитувчи учун таъсирчанлиги йўқолади. Метар чолуусидан шогирд тайёрлаш 12 ёшдан махсус синовлардан ўтгандан кейин қабул қилинган. Машулотлар якка тартибда ўтилган. Устоз шогирди билан илк машулотни авваламбор нафас олиш, нафас чиқариш, қайтариш машқлари бўлган. Машқлар куйидагича кечади: чинни косада сув тўлдириб оддий ичи тешик қамиш орқали сувга соатлаб пуфлаб турилади, бурун орқали нафас олиб қамиш ёрдамида пуфлаганда, сув худди қайнаётганга ўхшаб вақирлаб кўпиклар пайдо қилади (14-расм).

Бу машқни баъзида оддий чойнакка сув солиб, унинг жўмраги орқали пуфлаб ҳам бажаришган. Метар «нил»нинг тескари томони билан ҳам бу машқ бажарилган (15-расм). Машқларнинг давоми сифатида «най пачоқ»нинг Ўзини ҳам шогирдга бериб соатлаб пуфлатишган (16-расм). Бу машқлар ойлар давомида бажарилган. Машқларнинг асосий мақсади ютма, яъни қайтарма нафасни Ўзлаштириш бўлган. Метар репертуари ранг-баранг ва бир-бирини такрорламайдиган чиройли оҳангли куйлардан иборатдир. «Шингила», «Доллама», «Мавриги», «Чапқақарс», «Чорқарс», «Кўча боғи», «Дучава», «Синахарож», «Чорлов», «Пойга», «Бойсунча», «Қадимий Ироқ», «Келмади» ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Метарда бу куйлар ижро этилганда беихтиёр тинглаб турган киши елка, оёқ, кўлларини қандай қилиб ҳаракатга келтирганини Ўзи ҳам сезмай қолади. Метарни ўтирган ҳолда, юрган ҳолда ҳам чалиш мумкин. Метарнинг товуш баландлиги кучли бўлганлиги учун одатда очиқ хавода ижро этилади.

Денов туманининг тоғли Ўшор қишлоғида бўладиган суннат тўйлари Ўзига ҳослиги билан ажралиб туради. Тўй куни тўй болани чиройли безатилган оқ отнинг устига миндиришиб, метарнинг шўх наволари остида қишлоқ айланишиб рақсга тушишади. Ўшорда базм эркаклар учун алоҳида, аёллар учун алоҳида, ҳаттоки болалар учун алоҳида ўтказилади. Базм ҳеч қачон метар наволарисиз ўтмаган. Рақсга тушувчилар доиранинг воҳага ҳос усуллари ва метарнинг Ўйинбоп наволарига мос келадиган ҳаракатлар билан рақсга тушишади. Пиёда пойга, от пойга, кўпқари Ўйинларида ҳам махсус куйлар ижро этилади. Шуни таъкидлаш лозимки, олдинлари базмларда метар, доирачи, ноёрачилар билан бирга от Ўйинчилар ҳам бирга хизмат қилишган. От Ўйинчининг даврага кириб келиши учун махсус куйлар чалинган. Тўй эгалари суннат бўлаётган болаларни от Ўйинчининг эгарини олдига ва орқасига ўтируйишади. От Ўйинчи маълум вақтгача болаларни шу зайлда давра айлантириб рақсга тушади. Тоғли Вахшивор тўйларида базм аёллар ва эркакларга бир вақтда берилади. Бунда ҳам метарда шу қишлоққа ҳос куйлар доира, ноёрачилар жўрлигида ижро этилиб, от Ўйинчи ҳам албатта даврага янада хурсандчилик кайфиятини бахш этган. От Ўйинчининг айниқса, метар куйларига ҳос, мос оёқ, кўл ҳаракатлари томошабинни беихтиёр сеҳрлаб қўяди.

ХАЛҚ КУЙЛАРИ

ЧОРЛАШ КУЙИ

*Абдулла Ўринов ижроси асосида
М.Наимов нотага олган*

ШИНГАЛА

*Фахриддин Орипов ижроси асосида
М.Наимов нотага олган*

ҚИЗЛАР ЎСМАСИ

*Фахриддин Орипов ижроси асосида
М.Наимов нотага олган*

ПОЙГА

*Абдулла Ўринов ижроси асосида
М.Наимов нотага олган*

НОЎОРА КУЙИ

*Имомали Халилов ижроси асосида
М.Наимов нотага олган*

КЎЧА БОЎИ

*Фахриддин Орипов ижроси асосида
М.Наимов нотага олган*

БОЙСУН МАВРИГИ

*Абдулла Ўринов ижроси асосида
М.Наимов нотага олган*

МЕТАР ЧОЛЎУСИНИНГ ТУЗИЛИШИ ХАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

1. «Найвор» – «Дампеш», «Най пачок», «Исканжа», «Сумма» қисмларининг жамланмаси.
2. «Дампеш» – ижрочи учун нафасни узоқ ушлаб чалишда ва лабларнинг таянч ҳолатини мустаҳкамлайдиган «найвор» қисми.
3. «Най пачок» – оддий қамишнинг ён томонидан Ўсиб чиқадиган урғочи ёки етим қамишдан қирқилиб пастки қисми ўалтак ипи билан боўланадиган «найвор» қисми.
4. «Исканжа» – ўарров қамишдан ясалиб «най пачок»нинг эркин куриши ва уни ташқи таъсирдан шикастланишдан сақлайдиган «найвор» қисми.
5. «Сумма» – мис, кумушдан ясаладиган учи Ўткир кўринишдаги «найвор» қисми.
6. «Нил» – уста заргар, темирчиларнинг мис, кумушдан ясайдиган «найвор» қисми.

Биз метар чолўуси тарихи билан боўлиқ маълумотларни тўплашда яқиндан ёрдам берган юртдошларимизга Ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз ва улар ҳақида маълумот келтиришни лозим деб биламиз.

1. **Халилов Имомали** – 1929 йилда Олтинсой туманига қарашли катта Вахшивор қишлоўида дехқон оиласида туўилган, миллати Ўзбек. Метар чолўусида меъёрига етказиб ижро қила оладиган уста санъаткор. Ўндан ортиқ шогирдлар тайёрлаган. Шулардан – Абдулла Ўринов, Сапар Халилов, Ашур меhtar, Зоир

мехтар, Тўхта Тошматовлар номини санаб ўтиш мумкин. Метар, унинг куйлари ҳақида маълумот, тўйлар ва устоз шогирд анъаналари ҳақидаги маълумотлар ёзиб олинган.

2. **Ўринов Баҳриддин** – 1944 йилда Денов тумани Сина қишлоғи, Кўкабулоқ маҳалласида ишчи оиласида туғилган. Кўп йиллар оддий ишчи бўлиб ишлаган, ҳозирда нафақада. Метар чолўусида мукаммал куйларни чала оладиган уста санъаткор кўплаб шогирдлар тайёрлаган. Метар билан сурнай чолўусининг фарқлиғи, уларни яшаш ва шогирдлар тайёрлаш машқлари ёзиб олинган.

3. **Ўринов Абдулла** – 1968 йилда Денов тумани Ш.Рашидов жамоа хўжалигида ишчи оиласида туғилган. Денов шаҳар маданият уйида созанда бўлиб ишлайди. Вилоятда кўзга кўринган, танилган мохир чолўуши бўлиб, метар, сурнай чолўусининг етук ижрочиларидан биридир. Метар куйлари ёзиб олинган.

4. **Тошматов Тўхта** – 1949 йилда Олтинсой тумани Рамсовхоз қишлоғида ишчи оиласида туғилган. Ҳозирда нафақада, II гуруҳ ногирони бўлишига қарамай бир кўлда куйларни метар чолўусида маромига етказиб ижро этувчи чолўушидир. Халқимизнинг тўйларида хизмат қилиб кўплаб шогирдлар тайёрлаган. Метар чалиш сирлари ва ижрочилари ҳақида маълумотлар ёзиб олинган.

5. **Орипов Фаҳриддин** – 1967 йилда Денов тумани Ўшор қишлоғида ишчи оиласида туғилган. Ҳозирда Денов туман маданият уйига қарашли «Чор қарс» фольклор этнографик ансамблининг раҳбари бўлиб ишламоқда. Метар чолўусида ижро этиладиган куйлар «Шингала», «Чор қарс», «Доллама», «Мавриги»лар ёзиб олинган.

6. **Қодиров Аъзам** – 1950 йилда Термиз шаҳрида туғилган. 1984 йилда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика Университетининг мусика факультетини тамомлаган. Ҳозирда Термиз Давлат Университети «мусика таълими» кафедрасида ишлаб келмоқда. Сурнай ижро йўллари ҳақида маълумотлар ёзиб олинган.

7. **Хўҷамбердиев Ҳамза** – 1954 йилда Шеробод туман, «Оқ қўрғон», маҳалласида туғилган. 1978 йилда Тошкент Давлат консерваториясини «Най» мутахассислиги бўйича тамомлаган. Ҳозирда Термиз санъат коллежида най мутахассислиги бўйича дарс бермоқда. «Метар» ва «Сурнай»да ижро этиш услублари ҳақида маълумотлар ёзиб олинган.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. **Т.Визго.** Ўрта Осиё мусика чолўулари. Тарихий очерк. –М.: 1980.
2. **Ф.Қароматов.** Узбекская инструментальная музыка. Издательство Литературы и искусства имени Гафура Гуляма. –Ташкент: 1972 г. -359 стр.
3. **Женевьев Дурнон.** Анъанавий мусика ва мусика чолўуларини тўплаш бўйича қўлланма. 2003 йил Ўзбекистондаги ЮНЕСКОнинг ваколатхонасида тайёрланган ва нашр этилган. -149 б.
4. **И.А.Ақбаров.** Мусика луғати. –Тошкент: Ўзғур Ўлом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987 й. -448 б.
5. **А.Одилов.** Ўзбек халқ чолўуларида ижрочилик тарихи. –Тошкент: «Ўқитувчи», 1995 й. -128 б.
6. **Р.Абдуллаев.** Байсун – традиционная музыкальная культура. ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси. 2006 й. -124 б.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Метар	5
Халқ куйлари.....	11
Чорлаш куйи	11
Шингала.....	12
Қизлар Ўсмаси	13
Пойга.....	14
Ноёра куйи	15
Кўча боғи.....	16
Бойсун мавриги.....	17
Метар чолўусининг тузилиши ҳақида умумий маълумот.....	18
Ҳойдаланилган адабиётлар.....	19

Адабий-бадиий нашр

МУЗАФФАР НАИМОВ

МЕТАР НАВОЛАРИ

Мухаррир Маъмура ҚУТЛИЕВА
Техник муҳаррир Елена ДЕМЧЕНКО
Мусаххих Илхом ҚОСИМОВ
Компьютерда саҳифаловчи Феруза БОТИРОВА